

“БИР ЧАКАГА ЎН УЧ ТИЙИН ёхуд лосос балиги, “мурч пуллар” ва дастрўмол

Аввало, пул яшаш учун бир восита холос. Кадимдан у турли кўринишларда мавжуд бўлган. Бирок у каерда кандай аталишидан катъи назар, хар доим бир номга эга хусусиятини йўкотмаган: пул... У хамма учун доимо керак ва ўзига хос кимматга эга.

ПУЛ ЎРНИДА...

Кадимги Новгород шахрида (Россия) пул ўрнига лосос балиги ишлатилган.

Ўрта асрларда Сейлон ва Ява ороллари хамда Хиндистонда кора мурч олтиндек киммат бўлгани учун мурч донаси танга ўрнига ўтган. Перу ва Боливияда хам "мурч пуллар" бўлгани хакида маълумотлар бор.

Индонезиянинг Бутунг ороли ахолиси эса бундан бир неча аср олдин пахта ипидан тўкилган дастрўмолни пул ўрнида ишлатишган.

ЭНГ КАТТА ПУЛЛАР

Энг катта когоз пул 1368-1399 йиллари Хитойда чикарилган, киймати бир кванга тенг бу пул 22,8х33,0 см. ўлчамли когозга босилган.

Дунёдаги энг огир танга шведларнинг 1644 йили зарб килинган ўн талерли мис тангаси бўлиб, унинг вазни 19,7 килодир.

Яқинда эса Австралияда пластмасса пластинкалардан ясалган, киймати ўн долларлик пуллар муомалага чикарилди.

ТУРКИЯ

Турк лираси 100 курушга баробардир. Айирбошлаш курси тез-тез ўзгариб туради. Шу сабабли, бу ерда пулнинг хаммасини алмаштириш шарт эмас. Деярли хамма жойда тўловлар учун евро ва АКШ доллари кабул килинади. Мехмонхона ва дўконларда асосан кредит карталари, улар: Visa, American Express, Master Card ва бошкалар.

Биласизми?

Япониядаги барча когоз пуллар бир жойга тахлаб чикилса, унинг баландлиги 3776 метрли Фудзияма тогидан 153 марта баланд бўлар экан. Японлар бежизга биринчилардан бўлиб нақдсиз тўлов усулига ўтишмаган экан-да!

ХИНДИСТОН

Пул бирлиги – хинд рупияси, 100 пайсага тенг. Хорижий валютани олиб кириш чегараланмаган, миллий валютани олиб чикиб кетиш эса таъкикланган. Пулни алмаштирганлик квитанциясини саклаш лозим. Мазкур квитацциялар чипта олиш ва рупияни валютага алмаштириш вақтида керак бўлади.

МАЛАЙЗИЯ

Миллий пул бирлиги - малайзия ринггитидир. 1 ринггитда 100 цент бор. Йирик банкларда, мехмонхона, савдо марказларида кредит карталари ишлатилади. Валютани расмий курсда хар кандай банк, аэропорт, мехмонхона ва айирбошлаш шохобчасида

алмаштириш мумкин.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

БААнинг пул бирлиги - дирхам, у 100 филсга баробар. Шунингдек, АКШ доллари ҳам тўлов учун қабул қилинади, бироқ бу ерда дирхамда пул тўлаш бирмунча фойдалироқ.

МИСР

Мамлакатнинг пул бирлиги – миср фунти. Пиастр – айирбошланадиган танга пул. Битта миср фунтида 100 пиастр бор. Хорижий валютани банкларда, меҳмонхонларда алмаштириш мумкин. Банкдаги айирбошлаш курси гранд-отеллардагига нисбатан бирмунча фойдалироқ. Кредит карточкаларини асосан йирик меҳмонхоналар қабул қиладилар, дўконларда ҳар доим ҳам қабул қилмайдилар. Мисрда фунтларга алмаштирилган маълумотномаларни ташлаб юборманг, негаки, улар меҳмонхона билан ҳисоб–китоб амалга оширилганида ва қолган фунтларни долларга алмашатиришда керак бўлади.

ИНДОНЕЗИЯ

Миллий пул бирлиги - индонезия рупияси ҳисобланади. Пулни банкларда айирбошлаш тавсия этилади, бу ерда энг фойдали айирбошлаш курси бор. Квитанцияларни саклаб қўйинг, негаки, мамлакатдан чиқиб кетишингизда ва индонезия рупиясини бошқа валютага айирбошлаш вақтида керак бўлади.

Бристол мустақил валютасига эга бўлди

Англиянинг Бристол шаҳрида янги пул муомалага чиқарилади. У “Бристол фунти” деб номланди. Уни ишлаб чиқишдан мақсад мамлакатда давом этаётган глобал молиявий инкирозга қарши курашишга қаратилган. Шунингдек, маҳаллий компанияларнинг халқаро корпорациялар билан муваффақиятли рақобат қилишига, шаҳарнинг савдо-иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Сентабр ойидан муомалага чиқариладиган бу валютанинг ҳозирча “1”, “5”, “10” ва “20” фунтлик банкнотлари чиқарилади.

“ЭНГ ЧИРОЙЛИ ПУЛЛАР”

Қадимги Юнонистонда қумуш тангаларга бошқоқ расми, ҳозирги Ливан тангасида кедр дарахти, Вьетнамнинг ўн донгли тангасида шоли попуғи, Малининг юз франкли тангасида эса мақкажўхори сўтаси тасвири туширилган.

1967 йилдан бошлаб кенг муомалага қиритилган Сингапур доллари қушлар, кемалар, гуллар ва бошқа нарсалар билан безатилган. Бу пул дунё пуллари ичида ҳам энг чиройли бўлишга даъвогарлик қилади.

“БИР ЧАКАГА 13 ТИЙИН”

Россия зарбхонаси маълумотига кўра, битта беш рублли тангани тайёрлашга 67 тийин, икки рублли тангага – 79 тийин, бир рубллига – 35 тийин, эллик тийинликка – 26 тийин, бир тийинлик чакани ясашга эса 13 тийин маблағ сарф бўларкан.

Шоҳ Жаҳон тайёрлади

